



26190
Ю 1 САЙНАЗАР НИЁЗОВ

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА




2001A-928

САЙНАЗАР НИЁЗОВ

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

(Хотиралар)



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ
МЕРОСИ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 2001

Ниёзов, Сайназар.

Ҳаёт сўқмоқларида: (Хотиралар). —
Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси
нашр., 2001. — 72 б.


Инсон хотиралари мароқли ҳамда маҳзуи.
Ҳаётнинг турли сўқмоқларидан ўтиб, ёши бир
жойга бориб қолгандан сўнг, инсон орқасига,
босиб ўтган умр йўлларига бир назар ташлар-
ган, ўзича хулоса ясайди. Қилган ва амалга
оширган ишларини сарҳисоб қилади. Агар
яхши амаллари беҳисоб бўлса, яшаган умри-
дан мамнуулик ҳиссини туяди. Шу нуқтаи
назардан қараганда, ушбу китобда қаламга
олиган ҳис-туйғулар муаллифнинг умр сар-
ҳисобидир.

ББК 68.49(5У)г

С 4702620204-259 -2001
М 361(04)-2001

ISBN 5-86484-121-8

© Сайназар Ниёзов,
2001 йил



20 26190
1

ГУЗАЛ АХСИ ҚИШЛОҒИ

Ахси қишлоғи Наманган шаҳридан ўттиз километр нарида, тепаликка жойлашган бўлиб, ундан пастда шимолигарб орқали шимол томонга Сирдарё тез оқади. Дарёнинг шимол томонидан то жануби-шимолигача атроф дарахтзор, кенг дала, чексиз майсазорлар, жийдазорлару ўрикзорлар ясаниб ётибди. Баҳор даракчилари бўлмиш бойчечаклар ўша кенг далани қоплаб, олтин гиламдек товланар, бирин-кетин бўй чўзаётган чучмумалар, қоқигуллар кўзни қамаштирарди.

Жийдазорни макон айлаган турлитумон қушлар тинимсиз сайрар, атрофда ҳаво тоза, турли хил гуллар иси димоққа уриларди. Урмонда эса чиябўрилар, тулкилар, баъзи-баъзида эса йўлбарслар ҳам кўриниб қоларди. У ерларда яна беданалар, какликлар гала-гала бўлиб

учиб юарди. Биз, ўртоқларим билан биргаликда ушбу манзарани ҳар куни тепаликдан туриб томоша қилардик. Баъзан эса ям-яшил майса ўтлар орасидан кумуш тасмадай йилтираб, ариқни тўлдириб оқаётган зилол сув ёнбағрида, майса ўтга чалқанча ётиб олиб, кўм-кўк, мусаффо осмонда сузиб юрган карвон шаклидаги элас-элас булутларнинг турли-туман шаклга кириб боришини кузатар эканмиз, биримиз уни оппоқ пахтага, биримиз қорга, яна бирларимиз эса аллақандай жонзотларга қиёслардик.

Ахси дўппидеккина қишлоқ. Қишлоқ ўртасидаги шоҳ кўча узун, уйлар эса бетартиб жойлашган бўлиб, биз шу кўчаларда болалар билан ошиқ, ким ўзар каби ўйинларни ўйнардик. Кўчага кираверишда, чапда ариқ оқар, ўнгда эса чиройли масжид қад кўтарган бўлиб, ёш боладан чолларгача салла-дўппи, чопон кийишиб намозга боришарди. Солланиб турган толлару сарвиқомат тераклар масжид атрофини эгаллаган эди. Бунақа пайтларда аёллар кўчада камдан-кам кўринар, чунки уларнинг ўз отин ойилари бор эди-да.

Бизнинг ҳовлимиз кўчанинг ўртасида.

жойлашган бўлиб, у бир хона, даҳлиз ва айвондан ташқари, меҳмонхона, омбор, отхона, молхонадан иборат эди. Ҳовлимиз олма, узум, шафтоли, ўрик каби мева-вали дарахтларга сероб, дарвозамиз катта ва деворлари баланд бўлган.

Болалик унутилмас олтин давр бўлар экан. Менинг ҳам болалик чоғларим шу хонадондан бошланган эди.

Кўклам бошланиши билан биз ҳовлида яшар эдик. Менга тахтадан кичкинагина супа қилиб берган отам эса онам билан лойдан қилинган катта супада ухлар эдилар. Мен супачамда ётар эканман ҳар хил хаёллارга, орзуларга берилиб, осмондаги ёрқин юлдузчаларга узоқ термулардим. Бир куни тонгга яқин уйғониб кетдим. Юзимга мен ўргатган зағча ўтириб, юзимни беозоргина чўқиётган экан. Ўрнимдан турган эдим, зағча бир учиб, сўнг яна елкамга қўнди. Унга озгина гўшт бердим, у чўқиб олиб ҳовлида боғлаб қўйилган отнинг белига учиб ўтди. Гўштни чўқиб еб бўлгач, яна қайтиб елкамга қўнди ва эркаланибгина чирқиллай бошлади. Шу пайт отам уйғониб, тепамга келдилар.

— Ўғлим, нега бунча барвақт турдинг?

— Зағча бошимга қўниб, юзимни чўқиётган экан, уйғониб кетдим.

— У сени ҳар тонг уйғотади, кичкина-лигидан ўзингга ўргатганинг яхши бўлди-да.

— Яхши, энди мен уни оёғидан ип билан дарвозанинг олдига боғлаб қўяман.

— Ҳа, лекин ундай қилсанг, уни каламуш еб кетади-да...

Отам иккаламиз нонуштадан сўнг дала ҳовлимизга борадиган бўлдик. Отам кетмон, мен эса теша олиб йўлга тушдик.

Одамлар ёзда далада деҳқончилик қилишар, қишда эса қишлоққа қайтишар эди. Далада биров қовун-тарвуз, биров шоли, буғдой, маккажўхори экиб, қишлик йиғар эди. Биз ҳам қовун-тарвуз, ҳандалак, бодринг, буғдой экардик. Бувам қоплашга ёрдам берардилар. Биз қовун-тарвузни шаҳарга олиб бориб сотардик. Пулининг ярмини бувамга берардик. Бувам олмасалар ҳам отам қис-тардилар. Бувам қишлоқда мингта одамга бош бўлиб, уларнинг бир неча гектар ерлари, ҳўкиз-омочлари бор эди. Уч ўғли билан шу ерларда меҳнат қилишарди. Улар менинг тоғаларим эдилар.

Далага етиб келганда, отам атрофни айланиб, ерни кўздан кечириб чиқдилар.

— Ўғлим.

— Лаббай, ота.

— Уйга кетдик. Эртага бувангникидан ҳўкиз-омочни олиб келиб ерни ҳайдаймиз. Ер қаттиқ, кетмон ўтмайди.

Мен индамайгина отамга эргашидим.

Эртасига бувамникидан омоч ва икки ҳўкизни олиб келиб далада ишлай бошладик. Мен ҳўкизни ётакладим, отам эса омочни ушлаб ер бўшатдик.

Ерга меҳр бериб меҳнат қилган инсон ердан албатта яхши ҳосил олар экан. Шу йили биз — ота-бола ҳам ёзи билан катта ҳосил олиб, қишликни ғамлаб қўйдик.

Бир кун отам мени чақириб, кўнгилларига тугиб юрган ниятларини айтдилар.

— Ўғлим, қулоқ сол.

— Лаббай, ота.

— Мен сени мактабда ўқитмоқчиман. Сен ҳам бувангга ўхшаб ўқимишли домла бўласан.

— Йўқ, мен сизга ўхшаб миришаб бўлмоқчиман...

— Йўқ, ўғлим. Менинг ишим жуда оғир. Кеча-кундуз тинчлик, ҳаловат йўқ.

Ўзинг биласан, ҳукуматдан беш кунга зўрға рухсат олдим, иккаламиз ер ҳайдасак, қолганини амакинг қилади. Ўғлим, сендан умидларим катта.

— Майли, ота. Сизнинг айтганингизни қиламан.

— Эртага Наманганга, амакингникига олиб бориб қўяман, сен Наманганда турасан ва ўша ерда ўқийсан. Хўпми?

— Хўп бўлади, ота!

— Баракалла, тойчоқ.

Эртасига отам мени жийрон отга миндириб, Наманганга, амакимникига олиб кетдилар. Етиб боргач, амакимга мени ўқитмоқчи эканликларини, мен уларникида ўқиш битгунча туришимни айтдилар. Эрталаб эса иккаламиз мактабга бордик. Мактаб жуда катта, хоналари кенг, чиройли ва шинамгина экан. У ерда болалар жуда кўп, бари мен билан тенгдош.

Отам домла билан гаплашиб, қўлига пул бердилар. Домла менга бир қараб қулиб қўйди, бошимни силаб:

— Имомназар ака, — деди отамга қараб, — бу ўғлингиздан ўқимишли одам чиқади, юз-кўзидан кўриниб турибди-я.

— Ташаккур, домла, — деди отам ме-

нинг ёнимга келиб, чўнтагимга бир танга солдилар. Кейин мени домлага топшириб, ўзлари уйга қайтиб кетдилар.

Домла мени бошдан-оёқ кўздан кечириб, исмимни сўради.

— Имомназар ўғли Сайназар,— дедим бурро-бурро қилиб.

— Жуда яхши. Қани, юрақол синфга бўлмаса.

Домла мени синфга олиб кириб, биринчи қаторга ўтқазиб қўйди. Ҳамма-нинг олдида тахтакаш. Менга ҳам шунақа тахтакаш беришди. Мен эса мактабда қоғоз, қалам беришади деб эшитгандим. Кейин билсам, бу мактабда биринчи синфга тахтакаш, қоғоз билан қалам эса юқори синф ўқувчиларига берилар экан...

Мактабда ўқиётганимга бир ҳафта бўлаётган бўлса, шу бир ҳафта мен учун бир ойдек туюлди, чунки уйдагиларни, қишлоқдаги болаларни жуда-жуда соғинган эдим. Саккизинчи куни, эрталаб дарсда отам берган тангани ўйнаб ўтириб, хаёлим бошқа тарафларга кетибди чоғи бирданига аччиқ калтакдан сесканиб тушдим. Домла бир хўмрайиб қўйди.

— Ҳой, бола, ўтирсанг жим ўтир!—
деб яна бир туртди.

Менинг хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим... Отам бўлганда хўрлатиб қўймасдилар, деб ўйладим.

— Ҳа, домла почча, мени отам туртган эмаслар, сиз туртасизми? — деб синфдан югуриб чиқиб кетдим. Ортимдан синфдошим қувиб ета олмади. Мен эса шу югурганимча амакимникига келибман.

Амаким мактабдан эрта келганимни кўриб, ҳайрон бўлиб сўрадилар:

— Ҳа, жиян, дарс тугадими?

— Йўқ.

— Унда нега эрта қайтдинг?

— Мен... Мен бу домлада ўқимайман,—деб йиғлаб юбордим.

Амакимга бўлган воқеани гапириб бердим, у киши мени бошқа мактабга, бошқа домлага беришларини айтиб тинчлантирдилар. Мен бўлсам, «ҳамма домлалар бир хил, уйга кетаман», деб туриб олдим. Шундай қилиб, эртасига амаким отга миндириб қишлоғимизга олиб бордилар.

Ҳовлимизга кирганимизда димоғимга иссиқ ноннинг ҳиди урилди. Билдимки, бувим нон ёпяптилар. Орқада келаётган

амакимга ҳам қарамай, югуриб бориб
бувимнинг қучоғига отилдим.

— Ассалому алайкум, бувижон.

— Ваалайкум ассалом, тойчоғим.
Яхши келдингми?

— Раҳмат, бувижон. Сизларни жуда-
ям соғиндим-да!

— Вой, болам-ей, бизларни соғиниб
келдингми? Биз ҳам сени жуда соғин-
дик.

— Шунақаям соғиндимки, айниқса,
сиз ёпадиган иссиққина нонни соғиндим.

— Шундай дегин... Ҳой, менга қара,
ким билан келдинг? Ё, бир ўзинг кел-
дингми-а?

Шу пайт амаким ҳам етиб келдилар.

— Ассалому алайкум, онажон.

— Ваалайкум ассалом, Содиқжон
болам. Яхшиям сен бирга экансан. Мен
бу шумтакани яна алламбалоларни бош-
лаб, бир ўзи келибдими, деб ўйлабман.
Қалай, яхши келдингларми, уйдагилар
тинчми, соғ-саломат юрибсизларми?

— Яхши, раҳмат. Ўзингиз яхшими-
сиз? Бу дейман, нон ёпиш ўзингизга қо-
либди-да.

— Нега энди, мана келин қарашиб
турибди. Нон ёпишга келсак, ҳеч ким
мендай нон ёпа олмайди-да.

Ойим ошхонада бир нималар билан овора эканлар, бизнинг ғала-ғовуримизни эшитиб чиқиб келдилар. Биз билан сўрашиб, чой тараддудидида шошганларича яна ошхонага кириб кетдилар. Ойим ўзлари яхши, лекин баъзи-баъзидида менга совуқ муносабатда бўладилар. Сал шўхлик қилсам, мени койиб, туртаверардилар. Отам эса мени яхши кўрадилар. Шунинг учун мен олазарак бўлиб отамни қидирдим. Буни сезган бувим менга қараб:

— Отанг ишда, болам. Сизлар юз-қўлларингни ювиб уйга кираверинглар. Йўлдан чарчаб келгансизлар. Мен ҳозир нонларни ёпиб олай, биргалашиб чой ичамиз.

Амаким билан уйга кирдик. Бир оздан кейин бувим ҳам иссиқ нонларни кўтариб келдилар. Ойим гўжа пиширган эканлар, тўрталамиз ўтириб овқатландик.

Овқатдан кейин бувим менга қараб дедилар:

— Ҳа, мулла болам. Уқишларингиз яхшими? Ёзиш-чизишларга қўлингиз келиб қолдими?

— Буви, мен энди у домлада ўқимайман, у мактабга ҳеч ҳам бормайман.

— Нима бўлди, нега ўқимайсан?
Қани гапир-чи.

— Дарсда танга ўйнаб ўтирганим
учун домла мени калтаклади.

— Домланг тўғри қилибди. Дарсда
жим ўтириш керак-да.

— Шунга урадими?

— Жим ўтирмаганингдан кейин ура-
ди-да. Сен бола ўзинг шўх чиқдинг.
Отанг сени жудаям эркалатворган-да.
Майли, отанг келса, ўзинг гаплашасан.
Бу мактаб бўлмаса бошқаси-да, болам,
лекин ҳамма домлалар ҳам бир хил
эмас, ахир беш қўл баравар эмас-ку?

Амаким ҳам бувимнинг гапига қўши-
либ кетдилар:

— Тўғри айтасиз, онажон. Мен ҳам
шуни айтаман-да, бу неварангизни Тош-
кентга ўқишга бериш керак. У ерда кал-
таклашмайди. Уқувчиларга қоғоз-қалам
берилиб, дарслар пухта ўргатилади.

— Хуллас, отаси келса ўзи ҳал қила-
ди. Тошкентдами ё Намангандами, ўзи
айтган жойида ўқитади-да.

— Майли, мен отаси билан ўзим гап-
лашаман.

Бувим дастурхонга фотиҳа ўқиб бўл-
гач, ойим дастурхонни йиғиб олдилар.
Кейин амаким билан у ёғ-бу ёғдан гап-

лашиб ўтиришди. Мен эса чарчаб ухлаб қолибман, отам келганини ҳам сезмабман...

Эрталаб нонушта пайтида, ҳаммамиз дастурхон атрофида йиғилиб ўтирганимизда, биринчи бўлиб отам гап бошладилар.

— Ҳа, той ўғлим, сен нега мактабни ташлаб келдинг?

— Мен домла билан уришиб қолдим.

— Ўша жойда ҳам жийрон тойча бўлиб, шўхлигингни домлага қилибсанда,—дедилар отам хахолаб кулиб. Кейин хўмрайиб:—Мактабда уйдаги шўхликларни қилмасдан, дарсда домланинг ҳар бир сўзига қулоқ солиб, диққат қилиб ўтириши керак ўқувчи деган, билдингми?—дедилар.

Мен индамасдан ўтирар эдим, чунки отамнинг ёнида тўппонча бор эди. Отам мени тўппончага тез-тез қараб қўяётганимни сезиб, секингина кулиб қўйдилар.

— Майли, ўғлим. Мен сени бошқа мактабга бераман. Лекин энди у ерда шўхлик қилмайсан. Мен ҳам мана бундай индамай ўтирмайман. Тушундингми?

— Тушундим. Энди ҳеч ҳам шўхлик қилмайман. Агар домла таёқ билан урса ҳам ўқийман.

Отам менинг жавобимдан суюниб кетдилар ва елкамга қўлларини қўйиб:

— Мана бу бошқа гап. Мен уч-тўрт кунга бошқа томонларга ишга кетаянман. Келганимдан сўнг, сени Наманганга, бошқа мактабга ўқишга киргизиб қўяман,— дедилар.

Дастурхон йиғиштирилгач, отам ўрниларидан туриб, бизлар билан хайрлашдилар. Мен отамга эргашиб чиқдим. Отам саман отга бир сакраб миндилар-у, чоптириб кетдилар. Ортларидан қараб қолдим.

Ўша пайтларда отам ўттизлардан ошган, ихчам ва бақувват чавандоз эдилар. Отга бир сакраб минганларида ҳайрон бўлардим. Эгниларидаги миршаб кийимлари ўзларига жуда ярашиб туришини кўриб, мен ҳам отамдай миршаб бўламан, деб орзуларга берилардим.

Бир неча кун ўтгандан сўнг, кўчада болалар билан ўйнаётганимизда бирдан нига бир нарса портлагандек бўлди. Қарасак кўчанинг бошида алламбало нарса тутун чиқариб, тариллаб келаяпти. Ҳаммамиз уй-уйимизга қочиб кириб, дивордан мўралаб қараб турдик. Ҳалиги нарсанинг ёнида эса қўрқмасдан отам келаяптилар. Отам одамларга қараб:

— Қўрқманглар, бу трактор — ер ҳайдайдиган машина,—дедилар.

Тракторни рус киши бошқарарди. Отам эса уни «тракторчи» деб таништирарканлар, у трактордан тушиб, одамларга қарата:

— Қўрқманглар, ахир бу оғир меҳнатларингизни енгил қиладиган машина-ку. Энди ҳўкиз-омоч қилиб юрмайсизлар,—деб мурожаат қилди соф ўзбек тилида.

Бизлар, катта-кичик секин-аста деворлардан тушиб, тракторнинг олдига бордик. Қўрқиб-қўрқиб ушлаб кўрдик. Қариялар эса олдига яқинлашишга қўрқдилар. Чунки улар: «Бу шайтон арава қаердан келди ўзи?» деб ҳайрон эдилар.

Тракторчи эса:

— Бу шайтон арава эмас, бу — трактор, эслаб қолинглар, трактор,—деди.

Отам бўлса:

— У, Москвадан келтирилган,—дедилар.

Сўнг одамларга тракторнинг ихтиро қилиниши, қишлоқ одамларига жуда ҳам катта фойда ва ёрдам бериши ҳақида гапириб бердилар. Тракторчи тракторга ўтириб, пастликка, дарё томонга юриб кетди. Биз эса уни орқасидан қийқиришиб югура бошладик. Шу кун биз кеч-

гача ўйнаб, трактор ҳақидаги таассуротларимиз билан кун ботаётганда уй-уйларимизга тарқалдик.

Дарвозадан киришим билан ойим эғнимдаги чанг, кир бўлган кийимларимни кўрсатиб уришдилар. Кейин қарғай-қарғай қўшнимизникига чиқиб кетдилар.


Мен хафа бўлиб, уйга кирдим. Бувим кўрпача тикаётган эканлар, ёнларига келиб, секингина:

— Буви, нега ойим мени доим туртадилар. Отам борларида, меҳрибон бўлиб, яхши қарайдилар, ишга кетганларида эса — сал нарсага жеркиб, уришадилар, — деб сўрадим.

Бувим анчагача индамадилар, кейин:

— Сайназар, ўғлим, биласанми... бу сенинг ойинг эмас... сенинг ойинг Тошкентда қолиб кетган. Онанг билан отанг адашиб, бир-бирларини йўқотиб қўйишган. Тошкент катта шаҳар. Отанг шунча ахтарса ҳам топа олмай қайтиб келган. Анча пайтгача уни унутолмай қийналди. Кейин сенга она меҳри кераклигини билиб, шу аёлга уйланди. Аммо, афсус у сени ўз боласидай кўриб, меҳр бера олмади,— дедилар.

— Буви, менинг ойим Тошкентда эканлар-да.



— Ҳа, шундай, лекин у Тошкентнинг қаерида эканлигини ҳеч ким билмайди.

— Ундай бўлса, сиз менга чопонимни, янги дўппимни беринг. Мен ойимни қидиргани Тошкентга бораман. Лекин сиз отамга айтманг.

— Йўқ, болам, сен ҳали ёшсан. Тошкент эса узоқ, сен ҳам адашиб қоласан. Қўяқол, болам, борма.

— Йўқ, буви, мен поездда кетаман. Онамни албатта топаман.

— Вой, қаёқдан ҳам сенга айтдим, энди отангга нима дейман?

— Отамга айтманг, буви, бўлақолинг, отам келгунча тезроқ кийимларимни олиб беринг.

Бувим шошиб, кийимларим билан бирга қўлимга иккита нонни ҳам бердилар. Дуо ўқиб, юзларига фотиҳа тортдилар. Мен ўрнимдан туриб, бувим билан хайрлашдим.

Қоронғи тушганда вокзалга етиб келдим. У ерда поездлар турарди. Мен қайси поезд қаерга боришини билмасдим. Атрофимга қарадим. Кексароқ бир кишининг ёнига бориб сўрашга журъат қилдим.

— Амаки, Тошкентга қачон, қайси поезд кетади?

— Ҳозир келади, ўғлим. Мен ҳам Тошкентга кетаяпман. Сен бир ўзингми-сан?

— Ҳа, бир ўзимман.

— Поездга чипта олдингми? —

— Йўқ, амаки.

— Пулинг борми?

— Йўқ, шошиб олмасдан келибман. Энди нима қиламан? Ойимни албатта топишим керак-да.

— Гап бундай, сен Тошкентга етиб олгунча менинг ўғлим бўласан. Бўлмаса, сени поезднинг хўжайини сўроқ қилиб, тушуриб юборади.

— Раҳмат, амаки.

Поезд келди, биз амаки билан унга чиқдик. Поезд пишиллаб юра бошлади, мен хурсанд бўлиб кетдим. Амаки мендан исмимни сўради.

— Сайназар, — дедим жилмайиб.

— Сен ойингни қаердан топасан?

Мен индамадим, чунки биздан ташқари бўлмада яна икки киши бор эди. Уларнинг олдида айтиб ўтиргим келмади. Бунга сезган амаки кулиб қўйди.

— Ҳа, майли, гапирмай қўяқол. Қорнинг ҳам очгандир-а? — деб менга

жийда, майиз берди. Мен эса нонларни ўртага қўйдим. Яхшилаб овқатлангач, ётиб ухладик...

Эрталаб Тошкентга етиб келдик. Поезддан тушарканмиз, амаки менга қараб:

— Сайназар, энди қаёққа борасан, ойингни қаердан топасан?—деди.

— Эй, амаки, мен катта йигит-ку, топаман-да, — деб хайрлашдим. Лекин қаёққа боришимни билмасдим.

Амаки мен билан хайрлашаётиб қўлимга уч танга пул берди.

Вокзал биносининг деворига суяниб тургандим, бир миршаб келди:

— Ҳой, бола, сен бу ерда нима қилиб турибсан? Бу ерликка ҳам ўхшамайсан? — деди мулойимлик билан.

— Мен Намангандаги қишлоқданман. Ойимни қидириб келдим.

— Ойинг қаерда туради?

— Билмадим... лекин топишим керак. Менинг отам ҳам сизга ўхшаган миршаб.

— Ие, ҳали миршабнинг ўғли шундай адашиб юрарканми?

— Мен адашганим йўқ, айтдим-ку сизга, мен ойимни қидириб келганман.

— Ҳой, менга қара, бизникига юракол, кейин биргалашиб ойингни қидира-

миз,—деб уйига олиб кетди. Уни уйи вокзалнинг ёнгинасида бўлиб, икки хонадан иборат экан. Хоналари паст бўлса-да, ҳаммаёқ саранжом, топ-тоза экан. Хотини яхши экан, мени ювунтириб, овқатлантирди, кейин жой солиб ухлатди.

1927 йил август

Эрталаб хонадон соҳибининг хотини мени уйғотаркан, ўрнимдан туриб, юзқўлимни ювиб, чой ичишга ўтирдим. Нонуштадан кейин миршаб амаки мени трамвайда узоққа олиб борди. Бир-бирига туташиб кетган жинкўчалардан ўтиб, катта ҳовлига кирдик. У ерда менга ўхшаган болалар жуда кўп бўлиб, у жой «интернат» деб аталар экан. Интернат раҳбари бизни яхши кутиб олди. Мени узоқ сўраб-суриштиргандан сўнг, омборчини чақириб, буйруқ берди.

— Бу болани чўмилтириб, тоза кийимлар беринг ва ётоқхонага жойлаштиринг, овқатлантиринг!

— Хўп бўлади,—деди омборчи қўлимдан етаклаб олиб чиқиб кетаркан...

Шу кундан бошлаб бу ернинг боласи бўлиб қолдим. Интернат жуда катта, нақшинкор, худди масжидга ўхшайди.

Илгари бу уй Мавлонбой деган бойнинг уйи бўлиб, уйнинг томлари тунука билан қопланган, ичи сирли бўёқлар билан бўялган, ҳовлисига гиштлар терилган. Каттагина боғи ва гулзори ҳам бор экан. Ҳовлининг ўртасида эса ҳовуз.

Мен бу ердаги болалар билан тезда танишиб олдим. Бу ерда яхши овқатлантиришди — сарёғ, какао, сут, палов, чучвара, мошхўрда, умуман ёмон эмас. Ётоқхоналарда ҳар биримизга алоҳида жой — оппоқ тўшак, юмшоқ ёстиқ, кўрпалар, ҳатто совун, тиш чўткасигача бор. Лекин мен ойимни қидириб топишим керак эди. Шунинг учун қочиш пайига тушдим. Дарвозанинг олдига борсам, қоровул мудраб ўтиргандай бўлди. Мен секин эшикни очиб, қочдим. Шу пайт ишга келаётган мураббийимиз мени кўриб қолдилар.

— Ҳой, қаерга кетаяпсан?— дедилар.

Мен индамай қочмоқчи бўлган эдим, мураббийимиз эпчиллик билан маҳкам ушлаб, яна қайтариб олиб келдилар. Қоровул мен билан мураббийни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳой, менга қара, қаердан чиқиб кетдинг, а?— деди ўшқириб.

Мен индамадим, мени ўрнимга мураббий жавоб берди.

— Айланиб келгани чиқибди-да, қўяверинг,— деди.

— Ҳа, майли, кирақолинглар, — деди қоровул ҳовуридан тушиб.

— Хўш, энди қочмайсанми?— деди мураббий бошимни силаб.

— Йўқ, энди қочмайман.

— Мен анчадан бери сени кузатиб юрибман, ёмон болага ўхшамайсан. Майли, мен интернат раҳбарига айтмайман, сен ҳам бошқа бундай қилмагин.

— Хўп, энди бундай қилмайман,— дедим-да, болалар даврасига қўшилиб кетдим...

1927 йил сентябр

Биринчи сентябр куни мураббийимиз бизни мактабга олиб борди ва ўқийдиган хонамизни, ўтирадиган жойимизни кўрсатиб, ҳаммамизга китоб, қалам ва дафтар берди. Мен жим ўтирардим, ўқитувчимиз эса мактабда ўзимизни қандай тутишимизни, қандай дарслар ўтилишини тушунтирарди. Бир жойда ўтираверишга сабрим чидamay, ўрнимдан туриб кетмоқчи эдим, ўқитувчимиз:

— Сайназар, жойингга ўтир! — деди.

— Ҳадеб ўтиравераманми? — дедим пешхезлик қилиб.

— Ҳали дарс тугагани йўқ, — деди ўқитувчи жилмайиб, — дарсдан кейин чиқасан.

— Бу қишлоқи, ҳеч нарсани билмайди, — деди орқада ўтирган болалардан бири.

Жаҳлим чиқиб, ҳалиги болани дўппослай кетдим. Ўқитувчимиз югуриб келиб, зўрға ажратиб олди ва ҳар иккала мизга танбеҳ берди. Шу воқеадан кейин мен дарсда жим ўтирадиган, ҳалиги бола эса мени кўрса қочадиган бўлди. Шу йўсин мактабга ўрганиб, дарсларни ўзлаштира бошладим, болалар билан ҳам яқин ўртоқ бўлиб қолдим.

Бизнинг Тўйчи Тошмуҳамедов деган ўқитувчимиз бўларди. Улар мени ўз ўғилларидай кўрар, ҳар ҳафтада уйларига олиб кетиб, қўшимча дарс берардилар. Аёллари ҳам жуда яхши, меҳрибон, уйларига борганимда кулиб кутиб олардилар. Баъзида қишлоғимизни, отамни, бувим, бувам, тоғаларимни соғиниб, ҳеч кимга билдирмай кечалари йиғлаб чиқсам-да, қишлоғимга кета олмасдим, чун-

ки мен болалар уйига жуда ўрганиб қолгандим.

Болалар уйида ҳаммамиз жуда аҳил яшардик. Ёзда барчамиз боғга кетардик. Боғимиз Кўк теракда, (ҳозирги Тошкент туманида) эди. Турли хил мевали дарахтларга сераб бу боғнинг Мажид ака деган боғбони бўларди. У киши жуда меҳнаткаш инсон эдики, етиштирган қовун-тармузларини еган одам маза қиларди. Болаларни атрофларига йиғиб олиб, ҳар хил ҳангомалар, латифалар айтиб, ҳеч ҳам зериктирмасди.

Мен анча тетик ва бақувват бўлиб қолдим. Уқишларим ҳам яхши, деярли «аъло». Аъло баҳога ўқиган ўқувчиларни ёзги оромгоҳларга дам олгани юборардилар...

1933 йил

Йил жуда оғир келиб, очарчилик бошланганди. Ушанда мен 7-синфда ўқирдим. Кўчаларда одамлар ҳолсизликдан кетатуриб қулаб қолишарди. Баъзида кўчада ётган ўликларни ҳам кўрардик. Лекин болалар уйида бизни доим уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаб туришарди.

Бир куни рус тили дарсида ўтирган-
дик. Ҳаётини рус киши бўлиб, ҳар-
бий кийимда, бошига шлем кийганди.
Унинг бўйи баланд, елкадор, аммо ҳол-
сизликдан ранги оқариб зўрға дарс ўтар-
ди. Мен буни сезиб, танаффус пайтида
нонуштадан қолган бир бўлак нонни
унга бердим. У бўлса:

— Мени қўявер, сен ўзинг егин, ҳали
ёшсан, — деди бошимни силаб.

Мен унга қўярда-қўймай нонни бериб:

— Сиз касал бўлсангиз, бизга ким
дарс ўтади? — дедим.

У нонни олиб, раҳмат, деб кўзига ёш
олди.

1935 йил

21 август куни болалар уйининг раҳ-
бари 7-синфни яхши битирганларни би-
лим юртига олиб борди. Билим юртининг
раҳбари бизни ётоқхона билан таъмин-
лаб, сўнг ўқийдиган хонамизни, ошхона
ва бошқа жойларни кўрсатди.

— Мана энди сизлар студент бўла-
сизлар, оладиган стипендияларингиз бир
ойга — 65 сўм. Ўқишга кечикмай ўз вақ-
тида келасизлар, дарсларни ўзлаштириш-
га ҳаракат қиласизлар, деган умидда-

ман, — деб бизларга рухсат бериб, идорасига кириб кетди.

Билим юрти Шайхантохур масжидининг тўғрисида, ошхонаси эса масжид орқасида жойлашган бўлиб, ошхонанинг рўпарасида чойхона, ёнгинасида бозорча ҳам бор эди. Мен айланиб чиқиб, хурсанд бўлдим. Лекин, энди ўқиш бошлангунча қаерда яшайман, деб тургандим, Тўйчи ака Тошмуҳамедов — ўқитувчимиз ёдимга тушдилар. Уларникига боришга аҳд қилдим. Тўйчи аканинг уйи Лабзак кўчасида эди. Мен секин бориб эшикни тақиллатдим. Эшикни Тўйчи аканинг оналари очди. Мен уларни «буви» деб чақирардим, чунки улар менинг бувимга ўхшаган меҳрибон эдилар-да. Бувим мени кўриб хурсанд бўлиб кетдилар.

— Вой, Сайназар ўғлим, кирақол, тортинма. Бу ҳам сенинг уйинг, — деб уйга таклиф қилдилар.

Салом бериб ичкариладим. Бувим ҳол-аҳвол сўраб кетдилар:

— Қалай, ўғлим, яхши юрибсанми, соғликларинг яхшими? Ўқишларни эсон-омон битириб олдингми? Ҳозир қаердасан?

— Раҳмат, бувижон, яхши юрибман. Мана билим юртига кирдим. Уч йилдан

кейин ўқитувчи бўламан. Ушанда сизга ўзим қарайман.

— Вой, айланай, болагинамдан. Майли, айтганинг келсин.— Бувим чой, озгина суви қочган нон ва ярим коса аталани олдимга қўйдилар: — Олақол, болам. Сен хафа бўлма, ўзинг биласан, ҳозир одамлар борини ўртага қўйишяпти.

— Буви, қўяверинг бир ойдан кейин стипендия оламан. Уни сизга бераман.

— Вой, айланай сендан, менга бермасанг ҳам майли. Ўзинг яхши ўқисанг бўлди.

— Буви, Тўйчи акам, кеннойим қаердалар?

— Улар иккаласи Хоразмга ишга кетишган.

— Унда сизга ким қараяпти?

— Тўйчи акангнинг укаси — Аҳмад аканг қараб турибди. У тегирмонда ишлайди. Барака топгур, унда-бунда ун олиб келиб турибди.

— Унда жуда яхши. Буви, мен ўқиш бошлагунча шу ерда турсам майлими?

— Вой, бу нима деганинг, ахир биз сенга бегонами, жой кўп, бемалол туравер, ўғлим.

— Раҳмат, сиз бувимдай меҳрибон-сиз-да...

1936 йил

Шу йили бизнинг билим юртимиз Бешёғочдаги билим юрти билан бирлашди. У ерда спорт майдони, ошхона, кутубхона бор бўлиб, лаборатория, физика, кимё хоналари ҳам яхши жиҳозланган. Ётоқхоналари ҳам шинам ва қулай, турли мусиқа асбоблари ҳам муҳайё.

Учинчи курсга ўтганимда Бешёғочдаги Файзулла Хўжаев номидаги пойабзал фабрикасига ишга кирдим. У ерда кеч-қурун катта — 35—45 ёшдагиларга дарс берардим. Яхшигина маош олиб, ўзимга кийим-бош қилдим. Билим юртида аъло ўқиганим учун ўқитувчи ва ўқувчилар орасида иззат ва ҳурматга эга бўлдим. Бўш вақтларимда газеталарга мақола ва шеърлар ёзардим.

1937 йил

Май ойи. Йўлдош Охунбобоевнинг келишларига тайёргарлик кўраётган эдик. Улар шу туман оқсоқоллари билан йиғилиш ўтказиш учун келаётган эди. Кечга яқин меҳмонлар ҳам ташриф буюришди. Йиғилишда биз ҳам қатнашдик. Йўлдош Охунбобоев келажакда Ўзбе-

кистон машинасозлик, қурилиш, маданият, ишлаб чиқариш саноати ва шу каби соҳалар йўналишида ривожланиши, камолга етиши ҳақида оддий, содда, ammo мазмунли қилиб нутқ сўзлади. У кишининг эл орасида очиқ кўнгил, ёруғ чеҳра билан ўзларини тутишлари ҳали-ҳануз ёдимда.

Ўқиш тугаб, охириги имтиҳонларни топширдик. Қўлимизга аттестат беришди. Файзулла Хўжаев келиб, бизларни табриклаб, соғлик, омонлик, яхши хизматда ва юқори маълумотларга эришишда муваффақиятлар тилаб, ҳар биримиз билан қўл беришиб хайрлашди.

1939 йил

Мен ҳали ҳам Тўйчи акамникида турардим. У киши менга отамдек бўлиб қолганди. Бир куни уйга келсам, Тўйчи акам қўлимга қоғоз тутқазди.

— Сенга ҳарбий комиссариатдан чақирув қоғози келибди. Эртага соат ўнга етиб бораркансан, — дедилар.

— Нимага чақирибди?

— Билмадим, Армияга — хизматга бўлса керак.

— Мен рус тилини яхши билмайман-
ку.

— Ҳечқиси йўқ, ўша ерда ўрганасан.
Эртасига, айтилган вақтда комиссариятга етиб бордим. Эшик олдидаги ҳарбий қоровул мени қайси хонага киришимни тушунтириб, ўтказиб юборди. Хонага кирганимда ҳарбий кийимда бир киши ўтирарди.

— Ассалому алайкум, ака,— дедим ичкарига кирарканман.

— Ваалайкум ассалом, келинг,— деб жой кўрсатди у.

Мен у кўрсатган курсига секингина ўтирдим.

— Қаердан келдингиз?

Мен манзилимни айтиб, сўнг чақирув қоғозини кўрсатдим.

У чақирув қоғозини олиб, менга:

— Эртага соат ўн бирларда вилоят комиссариятига борасиз! Комиссарият вокзалдан сал ўтганингизда жойлашган. Ҳозирча шу, уйингизга кетаверинг,— деди.

Уйга кайфиятим тушиб келганимни кўрган Тўйчи акам:

— Ҳа, ўғлим, қоғоғингни солиб олибсан, тинчликми?— дедилар.

— Чамамда, хизматга чақиряпти...

Шу ўзимнинг ўқитувчилигим яхши эдида. Яна, институтга кирмоқчи эдим.

— Қўй, хафа бўлма, сен йигитсан-ку, хизмат қилсанг, жисмонан бақувват ва соғлом бўласан. Қайтганингдан кейин кирасан институтга, ҳали ёш бўлсанг.

— Гапингиз тўғри, ҳали ёшман. Эртага вилоят комиссариятига борар эканман, чақирув қоғози ёзиб беришди.

— Ҳа, майли, уйга кириб дамнингни ол...

Эртасига вилоят комиссариятига бордим. У ерда мен қатори юзлаб йигитлар йиғилиб туришарди. Ҳаммамизни тиббий кўрикдан ўтказишди. Кейин бизни турна қатор қилиб тизиб, шу қатордан фақат беш йигитнигина сафдан олдинга чақириб, уч кундан сўнг келасизлар, деб буйруқ беришди. Беш йигитнинг бири мен эдим. Қолганларни олиб қолишди. Трамвайга ўтириб, уйга қайтдим.

Шундай қилиб, уч кундан сўнг ҳарбий комиссариатга келдик. Бизни кичкина автобусга ўтказиб, вокзалга олиб боришди. Биз поездга чиқиб, тўғри Тожикистон томон йўл олдик.

Эртасига эрталаб поезд Тожикистон пойтахтига етиб келди. Командир бизга шаҳарни томоша қилиш учун икки соат

вақт берди ва соат ўн бирларда қайтиш-
ни буюрди. Шаҳарни айланиб юриб,
қизиқ манзараларни кўрдик. Шаҳар кат-
та ва чиройлик, аҳолиси кун иссиқли-
гига ҳам қарамай — эркаклар эғнида
чопон, бошида салла-дўппи, оёғида эса
чарм махси-калиш кийишган, аёллари-
нинг юзлари рўмол билан беркитилган,
фақат кўзлари очиқ. Биров отда, биров
эшак минган, яна биров пиёда. Бозорла-
рига кирдик, бозор ғуж-ғуж одам. Рас-
талар ҳар хил ҳўл мевалар, туршак,
майиз, ёнғоқ, арпа, буғдой, шоли, макка-
жўхори ва ҳоказолар билан тўла. Қовун-
тарвузлар олдига бориб, биттадан қовун
харид қилиб, сўйиб едик. Бирам шири-
ки, лекин бизнинг қишлоқнинг қовун-
тарвузига етмайди.

Шаҳарни айланиб бўлгач, жойимизга
қайтиб келдик. Командир идорасида иш
билан машғул эди. Бироздан сўнг биз-
ни усти ёпиқ машинага ўтказиб олиб ке-
тишди. Тоғлардан ўтиб борардик, йўл-
лари текис асфальт. Тоғлик доvonлардан
ўтиб, яна анча юриб Кўлоб шаҳрига
ётиб келдик. У ерда икки соатча дам ол-
дик, сўнг яна йўлга тушдик. Бир неча
соатдан сўнг Московский деган шаҳарча-
дан ўтиб, Кўлоб чегарасига келиб туш-

дик. Шу ерда бизга чегарачи ҳарбий кийимини кийгизишди. Сўнг ҳаммамизни бир қирга олиб келишди. Қирда биздан ташқари жуда кўп чегарачилар бор экан. Чодирлар ҳам қуриб қўйилган.

Хизмат қила бошладик. Кун жуда иссиқ, айни жазирама пайт — июл ойи эди. Овқат ўтмайди, фақат сув ва чой ичардик. Сув ҳам қизиб кетарди.

Ҳаммамизга от, милтиқ, қилич беришиб, отда юриш, милтиқдан отиш, қиличбозлик машқларини ўргатишарди. Мен отга биринчи марта ўтиришим эди. Орқамда милтиқ, чап томонимда қилич, белимда терилган ўқлар илиғлик эди. Отда худди михлаб қўйилгандек ўтирибман. Командиримиз олдимга келиб, рус тилида:

— Чего стоиш как столба?—деб бақирди.

Мен индамадим, у отдан туш, деб буйруқ берди. Мендан қуроолларни олиб, яна отга мин деб буюрди. Мен отга миндим, у эса отга қамчин урди. От ҳуркиб чопиб кетди. Мен кутилмаганда қалқиб кетдим, лекин жиловни маҳкам тутиб, ўнгга-чапга буриб отни тўхтатдим. Командир кулиб қўйди. Мен уч кунгача қуроолсиз отда юришни ўргандим.

Хуллас, бизни бир ой давомида тайёрлаб, кейин ҳаммамизни чегараларга бўлиб юборишди. Мен кичкина бир шаҳрчага тушдим. У ернинг кўчалари тор, уйлари паст-баланд, баъзи жойлари тошлоқ, баъзи жойлари эса тупроқ. Аҳолисининг қошу кўзи қоп-қора. Аёллари узун кўйлак кийиб, юзларини беркитиб юришарди.

Заставага кирдик. Заставанинг нарёғи Афғонистон. Биз дурбин орқали чегарани кузатардик, афғон аскарлари бизларга яхши кўринарди. Улар бошларига салла ўраб, оқ ятак, шалвар-иштон кийиб олишган. Милтиқни эса кетмонга ўхшатиб елкасига кўтариб олишган. Фақат зобитларигина форма кийишган. Баъзида эса Англиянинг зобитлари ҳам кўриниб қоларди...

1940 йил июн

Эрталаб соат тўққизларда застава бошлиғи бизларни қаторга тизаркан, бир майор мурожаат қилди:

— Уртоқ чегарачилар, ким Молдавияга боришни истайди?

Бирданига беш киши қўл кўтарди.

— Йўқ, бизга уч киши керак,— деди қатъий қилиб.

Мен ҳам қўл кўтаргандим, «сизга мумкин эмас», деб мени қолдиришди.

— Мен ҳам Молдавияни кўришни истайман,— дедим.

Майор бироз ўйлаб турди-да, сўнг:

— Майли, бир қадам олдинга,— деди.

Застава бошлиғи эътироз билдирди:

— Бу йигит ўзимизнинг зааставага жуда керак. Бир йилдан сўнг у таржимон бўлади.

Майор бу гапларни эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Ундай бўлса, янаям яхши. Бизга ҳам таржимонлар керак бўлади. Шунинг учун рухсатингиз билан шу йигит биз билан кетса.

Застава бошлиғи билан майор анча пайтгача тортишишиб, охири заастава бошлиғи зўрға рухсат берди.

Бутун чегара бўйича танлаб олинганлардан 20 йигит эртасига Тошкентга етиб келдик. Поезддан тушганимиздан кейин командиримиз бизларга олти соатга рухсат берди. Мен Тўйчи акамни, бувимни, кеннойимни кўриб, улар билан бироз ўтириб, яна вокзалга қайтиб келдим. Бошқалар ҳам келишгач, Москвага кетадиган поездга чиқдик...

Биз Москвага, ундан Киевга, Киевдан

Могилев-Подольска йўл олдик. Йўлда бир йигит билан танишдим. Исминни айтсам, ҳеч эслаб қололмади.

— Кел, мен сени «Саша» деб чақира қолай, майлими, — деди.

— Майли, барибир эслаб қололмаяпсан-ку, — дедим.

— Юр, иккаламиз поезднинг ресторанида овқатланамиз, — деди.

Иккаламиз поезд ресторанида овқатланиб ўтирарканмиз, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашдик. Поезд шаҳарлардан, қишлоқлардан ўтаркан, бу ерлар кўзимга жуда чиройли бўлиб кўринарди, чунки мен бу томонларга биринчи бор келишим эди. Манзилга етиб келарканмиз бизни ёши қирқдан ошган чегарачи кутиб олди. Озгина юрганимиздан кейин заставага келдик. Катта казарма ёнида Днепр дарёси оқарди. Дарёнинг нариги бети Бессарабия (Молдавия) экан...

Икки ҳафталардан сўнг, эрталаб дарёдан махсус кўприк орқали ўқчи дивизиянинг тайклари, артиллериялари ўтди. Биз уларни кузатиб, ҳаммадан кейин ўтдик. У томонда бизларни машиналар кутиб турган эди. Чегарачилар гуруҳи машинага ўтириб, Руминия чегарасига борди. Атроф ўрмонзор бўлиб, ҳаво ёқим

ли эди. Бизнинг засталамиз олти хонали, тунука томли уйдан иборат бўлиб, ҳовлиси кенг ва катта, омборлари, ошхоналари ҳам чиройли эди.

Орадан уч ой ўтиб тобим қочди ва Бальци шаҳрида даволандим. Шундан сўнг бир ой Бальцида, штабда хизмат қилиб, яна чегарага қайтдим ва хизматни давом эттирдим...

1941 йил 20 июн

Эрталабки соат бешлар эди, биз чегарада турардик. Бир пайт қарасак, Руминия томонидан бир киши сузиб келар, у сувдан чиққанда эса эгнида ич кийимдан бўлак ҳеч вақоси йўқ эди. Ёши ҳам қирқлардан ошган. У «отманглар, мен ҳаммасини тушунтириб бераман» деб қўлини кўтарди. Биз уни засталага топширдик. Бир оздан сўнг яна бир аёл сузиб ўтди. Уни ҳам топширдик. Текшириш натижасида уларнинг қариндошлари Молдавияда эканликлари маълум бўлди...

Биз дурбиндан кузатиб, бундан олтиетти ой олдин кўринмаган немис ҳарбийларини энди бир-бир кўриб қолардик. Бир-биримизни кўрганимизда саломлашардик, аммо гаплашиш мумкин эмасди.

1941 йил 21 июн куни эрталаб соат 9.20 ларда Руминия томондан иккита самолёт застрадамиз устидан икки маротаба пастлаб учиб ўтди. Биз ота бошладик, ўқлар тегдими-йўқми билолмадик, лекин келган томонига учиб кетди.

Май ойидан мудофаага тайёргарлик кўра бошладик. Ҳар мудофаага иккитадан пулемёт қўйилганди. Мен пулемётчининг ёрдамчиси эдим. 1941 йил 22 июн кечаси ўртоғим билан чегарада турардик...

1941 йил 22 июн

Тонгда, соат учлар чамаси тепамиздан жуда кўплаб самолётлар уча бошлади.

Застава бошлиғи ҳаммамизни йиғиб, қўлларимизга қурол олишни буюрди. Ҳаммамиз қурол-аслаҳаларни олиб, белгиланган жойга бориб мудофаага ўтдик. Афсуски, улар самолётлар билан катта-катта шаҳарларга бомба ташлаб улгуришди. Бизга яқин бўлган Кишинев, Бальци шаҳарларини бомбардимон қилишди, чунки бу шаҳарларда ҳарбий қисмлар кўп эди.

Биз чегарани уч кун ушлаб турдик. Немислар Молдавияни шимол томондан ишғол қилишга ўтган эдилар. Учинчи

куни бизга ёрдамга ўқчи дивизияси етиб келди. Лекин уларда, олти кишига битта милтиқ, полк бўйича иккита ёки учта танк, артиллерия дивизияси бўйича тўрт ёки бешта тўп тўғри келарди.

Бизларни Жанубий Украинага олиб кетишди. У ердаги чегарачиларга қўшилдик. Бу ерда жуда катта жанглار бўлиб ўтди, фашистларни чегарадан бир қадам ҳам ўтказмадик. Танкларини граната ташлаб ёндирдик, ўққа тутдик. Учинчи куни ўқчи дивизия етиб келиб, бизнинг ўрнимизни эгаллади. Бизларни ҳарбий завод ва фабрикаларни қўриқлашга юборишди.

Деярли ҳар куни, ҳар сонияда аёвсиз жанглар бўлиб ўтарди. Радиодан ҳар куни янги вайроналар, янги қурбонлар ҳақида хабар эшитардик. Бу эса фашистларга бўлган ғазабимизни юз чандон оширарди. Бир куни радиодан Бош қўмондоннинг овози эшитилди. У рус тилида одамларни ғалабага даъват қилиб, руҳан тетик бўлишга чақирди. Нутқини «Биз албатта ғалаба қиламиз!» деган гап билан якунлади. Отрядимиз бошлиғи бизни йиғиб сўзга чиқди:

— Ўртоқ чегарачилар! Ҳар қадамимизда душман айғоқчилари бўлиши мум-

кин. Шунинг учун биз жуда зийрак бўлишимиз лозим. Душманлар тиш-тирноғигача қуrollланган, жанг қаттиқ бўл-япти. Лекин биз албатта енгамиз, фашистлар устидан албатта ғалаба қозонамиз!..

Менинг Матросов деган сафдошим бўларди. Бир куни у менга:

— Ўртоқ, биласанми... мана бу менинг манзилим, агар менга бирор корхол бўлса, уйимдагиларга хабар қиласан... Сен ҳам ҳар эҳтимолга қарши ўзингникини менга бериб қўй.

— Эй, дўстим, сенинг бу гапларинг ғирт ахмоқлик. Сен ўлмайсан, албатта соғ-саломат қайтасан уйингга. Менга келсак, сенга манзилимни бера олмайман, сабаби, ота-онамнинг қаерда эканликларини билмайман.

— Ҳа, сен осмондан тушганмисан?— деди кулиб.

Шу пайт командир иккимизни чақириб, шаҳарга махсус топшириқ билан разведкага юборди...

1941 йил 13 октябрдан барча қўшинлар бирлашиб, Москва мудофаасига сарфланди. Москвани мудофаа қилиш учун бутун халқ Армия қўшинларига ёрдам бериш учун оёққа турди.

Орадан бир неча кун ўтгач, бизга майор Соловьев, 316-дивизия командири генерал-майор Панфиловнинг Москва мудофаасида қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида сўзлаб берди. Биз ҳам шу дивизияга қўшилиб, Бородино қишлоғида фашист газандалари билан жуда қаттиқ жанглар олиб бордик ва душманини чекинишга мажбур қилдик.

Биринчи декабрда душман иккинчи бор ҳужум уюштирди, лекин улар бир нарсга эътибор беришмаганди — Россиянинг қаҳратон кишига тайёр эмас эдилар. Юпун кийинган фашистларнинг кўпчилиги совуқдан ҳалок бўлди. Фашистлар Германияси бу ҳужумда 155 минг аскардан маҳрум бўлди, 866 танки ўлжа бўлди, кўпчилик аскар, зобитлари асирга тушди. Асирга тушган немис зобитини командиримиз сўроққа тутди:

— Режаларингиз қандай эди?

— Биз 1941 йил 7 ноябрда Москва-нинг Бош майдонида парад ўтказмоқчи эдик, — деди у зўрға рус тилида.

Унинг бу гапига ҳаммамиз кулиб юбордик. Сўроқ давом этарди:

— Сен фашистмисан? Миллатинг нима ўзи?

— Йўқ, мен фашист эмасман, менинг

миллатим немис, мен мужбуран немис армиясида хизмат қиламан...

Сўроқдан сўнг унга озгина каша бердик, бечора жуда оч қолган экан, овқатни қўли билан апил-тапил ея кетди. Бу манзарани кўрган одамнинг раҳми келиши табиий эди, албатта. Тўғри, урушнинг биринчи кунлари немис аскар ва зобитлари жуда бақувват, яхши кийинган эдилар, энди эса озиб-тўзиб бир ҳол бўлиб қолган эди. Москвадан сўнг, қолган шаҳарларни ҳам озод қилиш учун жангга кирдик. Орлов шаҳрига 15 чақирим қолганда, бир қишлоқда фашистлар билан аёвсиз жанглар олиб борардик, уларнинг мудофааси ниҳоятда кучли эди. Икки ҳафта ўтиб учинчи ҳафта деганда Орловга етиб келдик. Бу катта шаҳарнинг озодлиги учун жуда кўп аскарларимиз қурбон бўлишди. Бизнинг қўшинларимиз осмондан ҳам, ердан ҳам душманга қарата қаттиқ зарбалар берди. Машаққатли жанглардан сўнг шаҳар душмандан озод этилди.

Инсон уруш пайтида дам олиш нима-лигини билмайди, ой-куннинг ҳам фарқига бормайди. Мен ўша пайтда ёш — сабрли, чидамли эдимки, ҳатто қорин очлиги ҳам унчалик сезилмас эди. Чун-

ки бу уруш эди, жанг ўн дақиқа давом этадими, ўн соатми, буни яратгандан бўлак бошқа ҳеч ким билмасди.

Киевгача қанчадан-қанча қишлоқларни озод қилдик. Ўзбекистонлик ўртоқларимга уйларида хатлар, совғалар келарди. Ўзимизнинг ўрик, ёнғоқ, туршак, майиз каби қуруқ мевалардан юборишарди. Менга эса на хат, на совға келарди. Ким ҳам юборарди, ўзим айбдорман, чунки олти ёшимда «ойимни топаман», деб уйдан кетиб қолганман. Мен доимо «урушдан сўнг, омон қолсам, албатта онамни, отамни, қавму қариндошларимни излаб топаман», деб ўзимга далда берардим. Бир куни дўстимга ҳам уйдан совға келди.

— Манави ёнғоқ, майизлардан еб кўр, дўстим, — деб қўлимга бир ҳовучини ташлаб кетди.

Ёнғоқни кўзимга суртиб еярганман, кўз олдимга туғилган қишлоғим Ахси келарди, ҳаяжоним эса ичимга сиғмасди. Ўзимни туғилган қишлоғим учун жангга киргандай ҳис қилардим...

1943 йил 16 ноябрда 17-команда пунктига генерал Д. Д. Трубин ўз ёрдамчиси билан келди.

— Биз Житомир шаҳрини ва у ёрда-

ги катта ҳарбий омборхоналарни қўлга киритдик. Омборхонадаги қурол-яроқлар билан бутун Шарқий фронтни таъминласа бўлади, — деди генерал ғурур билан ва бирдан менга тикилиб қаради:—Бу чегарачи, адашмасам, 1941 йил 22 июндан бери урушда қатнашиб келмоқда, шундайми? Исминг нима, йигитча?

— Ниязов Сайназар, ўртоқ генерал.

— Қаердансан?

— Тошкент шаҳридан, ўртоқ генерал.

— Ўзбекмисан?

— Худди шундай, ўртоқ генерал.

Мен билан бўлган қисқа савол-жавобдан сўнг, генерал командиримизга кўрсатма берди.

— Дўстим, бу жуда ақлли, зеҳни ўткир йигит экан, унинг унвонини оширинг ҳамда урушдан сўнг Москвадаги ҳарбий мактабга ўқишга йўлланма беринг!..

Шундан сўнг, генерал бошқа пунктлардан хабар олишга жўнаб кетди. Командиримиз шу заҳотиёқ менга лейтенантлик унвонини бериб, қўлимни қаттиқ сиқиб табриклади.

Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, Львов шаҳрини озод қилдик. Жангдан сўнг, взводимизда 19 та аскар қолди, ўзим эса контузия бўлдим. Даволаниб,

шифокорларнинг қаршилигига қарамай фронтга жўнаб кетдим...

Польшанинг Демблин шаҳридан ўтиб, Варшавани озод этиб, Германиянинг Одер дарёси бўйига чиқиб олдик ва иттифоқчиларимиз: Америка, Англия, Франция армиялари билан бирлашдик. Уларнинг аскарлари бизлар билан қўл беришиб қадрдонлардек кўришишар, баъзилари украин, рус ва ҳатто немис тилида биз билан сўрашишарди.

Берлинга тахминан бир чақирим қолганда, Одер дарёси бўйида кучли жанг бўлди. Бу аёвсиз жанг Москва остонасидаги жангларни эсга соларди. Жангда биз душман мудофаасини ёриб ўтиб, Берлин шаҳрига кириб бордик.

Александр Плас кўчанинг чап томонида метро, ўнг томонида идорага ўхшаган катта бино, тўғрида эса меҳмонхона. Атрофда чиройли, бежирим уйлар. Бу манзарани кўриб, кишини бир нарсга ҳайратга солади — шундай ривожланган мамлакатга урушнинг нима кераги бор экан? Тўғри, бундай қора, ғаламис фикрлар немис халқидан эмас, фашистлардан, Гитлердан чиққан. Улар бутун жаҳонга ҳукмронлик қилиб, инсониятни шафқатсизларча бошқармоқчи бўлишган. Аммо

уларнинг бу фикри чипакка чиқди. Тинчликсевар халқлар бунга йўл беришмади.

Биз Берлин кўчалари бўйлаб олға қадам ташлар эканмиз, ҳар бир қарич ерни машаққатли жанглар билан забт этардик. Фридрих Штрайс номли кўчага кирганимизда ҳашаматли саройга дуч келдик. Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейини эслатувчи бу сарой чиройли, кўп хонали ва кўркем эди. Лекин қошона ичида ҳеч бир жон кўринмайди. Ундан чиқиб олға юра бошладик. Тўғрида Рейхстаг...

21 апрел куни қўшинларимиз Берлинни ўраб олди. Маршал Жуков барчадан кечасию кундузи тўхтамасдан душманга зарба беришни талаб қилди. Душман четдан қурол олмаслиги учун кечаси ёритқичлар ёқиб қўйилиб, назорат қилинди. Бир неча кун қаттиқ жанг бўлди. Шу жангларнинг бирида оёғимга ўқ тегиб, юролмай қолдим. Қон тинмай сизиб чиқарди, ўртоқларим этигимни ечиб, жароҳатимни боғлаб қўйишди...

...Машаққатли жанглардан сўнг фашизм батамом таслим бўлди. Уруш тугади. Биз ғалаба қилдик. Бироқ ғалаба бизга жуда қимматга тушди. Урушда миллионлаб одамлар қурбон бўлди, мил-

лионлаб одамлар ярадор бўлди, бедарак кетганларнинг эса сон-саногини йўқ. Қанчадан-қанча шаҳарлар, қишлоқлар вайронага айланди. Тарихий обидалар, гўзал боғлар, иморатларнинг кули кўкка совурилди. Шундай бўлса-да, уруш тугаганлиги эълон қилинганда, одамларнинг қувончи ичига сиғмай йиғлашар, бир-бирларини қучоқлаб табриклашарди.

Берлин забт этилгандан сўнг бир неча кун даволаниб, яна сафга қўшилдим. Шунда бизни Чехословакия ўрмонларида жон сақлаётган фашистларни тугатиш учун жўнатишди. Дрезден шаҳрига етиб келдик. Шаҳар вайронага айланиб, ачинарли ҳолга келиб қолганди. Биз йўлимизда давом этиб, кечқурун Чехословакияга қадам босдик. Эрталаб туриб оқатландик, сўнг жанг бўлаётган жойга бордик.

Жанг бир неча соат давом этди. Чехлар жануб ва ғарб томондан, биз эса шимолдан кела бошладик. Элликка яқин фашист қўлини кўтариб, таслим бўлди.

Уруш тугаган куни биз шаҳар марказларини айланиб, томоша қилдик. Прага унча вайрон бўлмаган, фақат чеккадаги иморатлари, кўчалари шикастланган эди, холос.

1945 йил 3 июн

Прага шахрининг марказидан бир чақирим наридаги майдонда бизни сафга тизишди. Бир пайт қаршимизда бир машина келиб тўхтади, ундан бир шляпа кийган ва иккита ҳарбий киши тушди. Шляпали киши ҳаммамизни кўздан кечираркан, менинг қаршимга келиб:

— Ўртоқ Ниязов, икки қадам олдинга, — деди ва яна бир аскарни ҳам сафдан олдинга чиқарди ҳамда иккимизни машинага таклиф қилди. Биз индамай машинага ўтирдик. Йўлда кета туриб, ҳалиги киши гап бошлади:

— Хўш, йигитлар, мана энди сизлар Совет элчихонасида хизмат қиласизлар.

— Нима учун биз иккаламизни танлаб олдингиз?—деб сўради шеригим.

— Сизлар иккалангиз чегарада хизмат қилгансизлар, шундайми?

— Тўғрику-я, бироқ биз чет тилини билмаймиз-ку?

— Иккалангиз ҳам рус тилини жуда яхши биласизлар, шунинг ўзи кифоя, — деб кулиб қўйди. Кейин менга қараб:— Сиз Сайназар Ниёзовсиз-а? — деди.

— Худди шундай,—дедим.

— Мен сизни 1940 йилдан бери била-

ман. Сабаби, мён у пайтларда Бальцида, штабда ишлардим. Чегарада турганингизда касал бўлиб, касалхонага тушгандингиз. Тузалгач, бизда бир ой штабда хизмат қилгандингиз. Агар ўшанда ўзбеклар кўп бўлганда сизни эслаб қололмаган бўлардим.

Ёнимдаги шеригим бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин яқинлашиб қолганимизни кўриб индамай қўяқолди. Машина унча катта бўлмаган икки қаватли, аммо жуда чиройли бино олдида тўхтади.

Биз ичкарига кириб, ҳамма хоналарини биргаликда кўздан кечириб чиқдик. Хоналар катта ва ёруғ, ундаги жиҳозлар эса дид билан жойлаштирилганди.

Биз бир кун мириқиб дам олдик. Эртасига эрталаб башанг кийинган бир одам келиб, биз билан ҳол-аҳвол сўраб, сўнг ҳужжатини кўрсатди.

— Мен элчихонада хизмат қиламан. Сизлар элчимиз Валентин Зориннинг уйида галма-гал навбатчилик қиласизлар. Бунинг учун маош ҳам оласизлар. Сизлардан зийраклик, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Тушунарлими?

— Ҳа, тушунарли,—деб жавоб бердик.

— Ундай бўлса, энди кетдик.

Унинг орқасидан юриб, бир бино олдига келдик. Бино икки қаватли, мрамардан ишлов берилган. Унча катта эмас, лекин жуда чиройли. Ҳовлида юрган аёл (Валентин Зориннинг аёли экан) бизга яқинлашиб кўришди ва ичкарига таклиф қилиб, ширинликлар билан сийлади...

1945 йил август ойи эди. Навбатчиликда тургандим, Валентин Зорин уйдан чиқиб:

— Хўш, навбатчилик тугадими?—деб сўради.

— Ҳа, тугади,—дедим.

У мени нонуштага таклиф қилди.

— Узр, мен кира олмайман, сиз катта элчи бўлсангиз, мен эса... қандай бўларкин?

— Мен ҳам ёшлигимда сендек уятчан бўлганман, сендек армияда қоровул турганман. Шунинг учун уялмасдан кира-вер,—деб уйга бошлаб кирди...

1946 йил июл

Ҳукумат 1920 йилда туғилганларга уйга — ўз юртига кетишга рухсат берадиган бўлибди. Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмасдим. Бир куни кечқурун Валентин

Зорин билан боғда ўтирардик, гап бошлаб қолди.

— Яқинда сизларга уйга кетишга рухсат беришади. Лекин мен сени Олий ҳарбий мактабда ўқитмоқчи эдим. Нима дединг-а?

— Жон деб ўқирдиму, лекин бўлмайди. Мен ўз юртимга бориб ўқимоқчиман. Ўқитувчи ёки шифокор бўлиб ишлашни истайман. Кейин ўз онамни қидириб топишим керак. Ахир болалигимда туғилиб ўсган қишлоғимдан шунинг учун Тошкентга кетиб қолганман-да.

— Эҳ, аттанг... сендан яхши ҳарбий чиқарди-да.

— Сизга катта раҳмат. Аммо мен ўз юртимни соғиндим. Уйлансам, ўғилларимнинг бирини албатта ҳарбийликка ўқишга бераман.

— Майли, ўғлим, бу сенинг хоҳишинг, аммо ўзинг ўқисанг бошқача бўларди-да...

1946 йил 14 июл

Биз аввал Прагадан, сўнг Братиславадан ўтиб, Будапештга келдик. У ердан кўприк орқали Будага ўтдик. Будадан бир чақирим наридаги бир қишлоқда

бироз дам олдик, сўнгра бир неча юз отларни буйруқ бўйича Украинага ҳайдаб келиб топширдик.

Львов шаҳрига келганимизда бизга бир ойлик овқат талони ва пул, ярадор бўлганларга касаллиги ҳақида маълумотномалар ҳам беришди. Менга икки маротаба ярадор бўлганлигим ҳақида маълумотнома беришди. Баъзилар маълумотнома нимага керак, деб олишмади ҳам. Сўнгра ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалиб кетдик. Поездда Тошкентга қараб кетаётганимизда, ҳар бекатда одамлар гуллар билан кутиб олишар, ҳар хил овқатлар: жўхори, қаймоқ, қимиз, уму-ман бор нарсаси билан меҳмон қилишарди. Тошкентга етиб борганимда қаерга боришимни ҳам билмасдим. Ўйлаб-ўйлаб, Тўйчи ака Тошмуҳамедовникига қараб йўл олдим. Ўйларига етиб боргач, астагина эшикни тақиллатдим. Эшикни бир кампир очди.

— Келинг, ўғлим.

— Ассалому алайкум, бувижон.

— Ваалайкум ассалом, келинг, ичкарига киринг. Сиз Тўйчи аканинг ўғиллари бўлсангиз керак, улар бир ўғлим урушда дердилар, шундайми?

— Ҳа, шундай. Ўзлари уйданилар?

— Йўқ, улар Мирзачўлдаги бир мактабда директор бўлиб ишлайдилар.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен шу хонадонда ижарада турман.

— Ҳа, яхши, унда мен ҳозироқ уларнинг ёнига бораман. Сизга катта раҳмат. Хайр.

Уша заҳотиёқ йўлга чиқиб, кеч кирганда манзилга етиб бордим. Тўйчи акам билан Ҳанифа опамлар мени кўриб жуда хурсанд бўлишди. Тўйчи акамнинг эса севинчдан кўзларидан ёш оқарди. Ҳанифа опам тезда дастурхон ёзиб, овқат келтирдилар. Тонггача гаплашиб ўтирдик...

Эртасига урушдан эсон-омон қайтган-лигим муносабати билан эчки сўйиб, қўни-қўшниларни чақириб, зиёфат беришди.

Зиёфат тугагач, Тўйчи акам мени сўроққа тутдилар.

— Хўш, мана урушдан эсон-омон келдинг, умринг узоқ бўлсин. Энди нима қилмоқчисан? Ўқийсанми, ишлайсанми?

— Мен ўқимоқчиман.

— Қаерда ўқимоқчисан?

— Ниятим ҳуқуқшунос бўлиш.

— Ниятинг ёмон эмас, лекин сен мен-

дан хафа бўлмагину, сендан ҳуқуқшунос чиқмайди. Сен меҳрибон, кўнгли бўш одамсан, ҳуқуқшуносликка сал қаттиқроқ бўлиш керак. Кейин урушда бўлдинг. Биласанми, сенга маслаҳатим: сен шифокорликка ўқигин, сендан яхши шифокор чиқади.

— Шундай денг, ундай бўлса, айтганингиз бўлсин. Маслаҳатингиз учун раҳмат. Албатта, инсонларнинг дардига даво, юракларига малҳам бўламан...

1953 йил

Мен уйландим, учта болам бор: икки ўғил, бир қиз. Тиббиёт билим юртини битириб, Бўстонлиқ тумани, Товоқсой қишлоғида шифокор бўлиб ишлаяпман.

Ишим яхши, биринчи йиллари тажрибам йўқлиги сабабли жуда қийналдим. Мендан тажрибалироқ шифокорлар: «Кўникасан, биз ҳам бир-икки йил қийналганмиз, мана энди уста ҳам бўлиб қолдик», деб далда беришарди. Ўзим ҳам китоблар ўқиб, одамлар билан яхши муомалада бўлдим. Секин-аста ишим яхшилана бошлади.

1954 йилдан Чирчиқ шаҳрида, «Оқтош» санаториясида қатнаб ишлай бош-

ладим. Болаларим секин-аста улғая бошлади. Уларни кўриб қувониб кетардим, лекин «йиллар бунча тез ўтмаса», деб ўйга ҳам толардим.

1955 йилнинг ёзи иссиқ келди. Хонада ҳамшира билан суҳбатлашиб ўтирдик. Бир пайт ҳамшира:

— Сайназар ака, ота-онангиз бормилар?—деб сўраб қолди.

Мен бироз тин олиб:

— Онам Тошкентда бўлишлари керак, отам Наманганнинг Аҳси қишлоғида. Мен болалигимда онамни қидириб қишлоқдан чиқиб кетганман.

— Нега бориб кўрмайсиз?

— Уларни топиш истагим бор, лекин иш, оиладан қўлим бўшамайди. Кейин, менга рухсат беришармикан?

— Рухсат беришади, сиз меҳнат таътилига ариза ёзинг, албатта рухсат беришади.

Мен шу заҳотиёқ ариза ёзиб врачга кирдим. Ўнга вазиятни тушунтирсам, «хўп» деб аризамга имзо чекди.

Икки кундан кейин «Тошкент-Наманган» поездига ўтирдим. Наманганга етмасдан, «Жанжал» бекатига тушдим, қаерга боришни билмай туриб қолдим. Кейин бекат ёнидаги чойхонага кирдим.

Чойхоначи дарров иссиқ нон, майиз, чой олиб келди. Утирганлардан бири «Келинг меҳмон, марҳамат», деди.

Нафасимни бироз ростлаб олгач, ҳалиги киши мени саволга тутди:

— Сиз ўғлим, узоқдан келганга ўхшайсиз?

— Эҳ, отахон, мен шу ерлардан 1927 йили чиқиб кетгандим. Шунга ҳам 28 йил бўлибди.

— Демак, сиз шу ерлик экансиз-да?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади.

— Нега шунча йилдан бери келмаган эдингиз?

— Уруш, отахон, уруш... Аввал болалар уйи, армия хизмати, кейин уруш... Мана энди келдим... Сизлар менга Ахси қишлоғининг қаердалигини айтиб беролмайсизларми?

Утирганлардан яна бири «Мен айтиб бераман», деди. Мен чойхонадагилар билан хайрлашиб, унга эргашдим. У мени ўша томонга кетаётган юк машинасига миндириб қўйди. Машинада кетяпману, кўзимга бу далалар таниш бўлиб кўринарди. Лекин аввалги ўрмонзорлар, чакалакзорлар йўқ, уларнинг ўрнига пахта далалари. Бир пайт бир садага кўзим тушди. Ҳайдовчига:

— Ука, шу ерда тўхтатинг!—дедим. Бу сада менинг ёшлигимда ҳам бор эди. Лекин ҳозир қуриб қолибди. Мен атрофга меҳр билан, севинч билан боқиб:—Шу саданинг тўғрисида менинг қишлоғим, туғилган уйим бор. Сизга катта раҳмат.—Қўлига пул берсам, олмади...

Мана, кичкинагина кўприк, ҳали ҳам ўзгармаган. Ундан ўтиб, ўнгада масжид ва ҳовуз бўларди, лекин улар энди йўқ эди. Тўғрига юра бошладим. Ахси кўзимга жуда чиройли бўлиб кўринарди. У ҳақиқатан ҳам жуда гўзал эди. Чунки у мен туғилган қишлоқ, киндик қоним тўкилган замин, тупроғида мендек болакайни улғайтирган Ватан эди.

Энди уйимизни топишим керак. Дарвозамиз олдида бир туп тут бўларди. Ҳа, ана кўрдим, ҳали ҳам бор экан. Танаси ковак бўлиб кетган бўлса-да, ёнидан янги новдалар ўсиб чиқибди. Энди аввалги катта дарвозамиз ўрнида кичкина бир эшик. Мен эшикни секин очиб, ичкарига кирдим. Атрофни кўздан кечирдим. Отхона, омборхона, супаларни кўриб, худди болалигимга қайтгандек бўлдим. Худди ҳозир ичкаридан отам миршаб кийимида чиқиб келади-ю, мен унинг қучоғига отиладигандекман. Бе-

ихтиёр кўзимга ёш келиб, томоғимга бир нима тиқилди. Ўз уйимда эканлигимга ҳеч ишонгим келмасди. Бориб супага ўтирдим. Хаёл билан бўлиб, ёнимга келиб турган йигитни ҳам пайқамабман. У мен билан кўришаркан:

— Кечирасиз, мен сизни танимадим. Сиз ким бўласиз?—деди.

— Мен шу уйнинг эгаси Имомназар аканинг ўғиллари бўламан. Сиз ўзингиз кимсиз?

— Мен бувангизни кичик жиянлари бўламан. Исмим Абдухолиқ. Ҳозир шу ерда тураман.

Биз қайтадан қучоқлашиб кўришдик. Мен ундан «шу ерларда бир бой отамиз бўларди, ҳозир қаердалар» деб сўрасам, у мени бой отанинг уйига етаклади. Етиб борсак, отанинг бурунги данғиллама уйи ўрнида кичкина-кичкина уйлар солинганди. Аввал отанинг уйлари катта, ҳовлиси кенг, боғлари, гулзорлари доим яшнаб турарди. Моллари кўп бўлиб, чўпонлар яйловларда боқиб келишарди. Бой ота жуда сахий, меҳрибон, зиёли инсон эди. У доим камбағалларга ёрдам берар, қишлоқдаги болаларни эмлатарди. Мен Абдухолиқдан бой отани яна сўрадим. Абдухолиқ отанинг уйи

энди бу ердан сал навроқдалигини, ҳозир ўзлари чойхонада эканликларини айтди.

Биз чойхонага кириб борганимизда, сўриларда уч-тўртта бўлишиб, қариялар гурунглашиб ўтиришарди. Сўриларнинг бирида ўтирган бой отани дарров танидим. Биз отага яқинлашиб, салом бердик. Ота саломга алик олиб, менга термулиб қолди.

— Ўғлим, сени танимайроқ турибман?

— Мен Имомназарнинг ўғли Сайназар бўламан.

— Тўхта-тўхта, Имомназарнинг ўғли дарёга оқиб кетган дейишарди-ку.

— Йўқ, бувимга «ҳеч кимга айтманг», деб онамни қидириб уйдан чиқиб кетгандим.

— Хўш, топдингми ойингни?

— Йўқ, Тошкенга борганимда болалар уйига тушиб қолдим. Кейин урушда бўлдим. Мана ҳозир уйланиб, учта болам бор — икки ўғил, бир қиз. Ўзим шифокорман.

— Эҳ, ўғлим, отанг бечора сени тўққиз йил қидирди-я...

Бой ота бувамнинг, отамнинг руҳларига дуои фотиҳа ўқиб, ўрниларидан турдилар. Кейин бизларни уйларига бош-

лаб бордилар. Отанинг уйида, дастурхон устида Абдухолик гап бошлаб қолди.

— Сайназар ака, сизнинг бир синглингиз, икки укангиз бор, биласизми?

— Йўқ, билмайман. Улар қаерда?

— Наманганнинг Тўрақўрғон тумандаги Шоҳанд деган жойда. Истасангиз у ерга ўзим олиб бораман.

Биз бироздан сўнг бой ота билан хайрлашиб чиқдик ва Абдухолик билан Шоҳандга қараб йўл олдик. Шоҳанд бозорига кириб борганда юрагим ҳаприқиб кетди. Чунки бу бозорда болалигимда отам билан етиштирган қовун, тарвуз, узумларни қўқон аравада олиб келиб сотардик. Айниқса, жума кунлари бозор чаққон бўларди... Бозордан чиқиб, дарвозаси очиқ ҳовлига кирдик. Ичкаридагилар билан сўрашарканман, тўғримдаги аёлни кўриб, отамнинг учинчи хотинлари бўлса керак, деб ўйладим. Абдухолик бизларни таништирди.

— Бу бувингиз, булар ойингиз, бу чакалоқ кўтарган синглингиз бўлади,— деди ва мени кўрсатиб:— Бу киши Имомназар аканинг ўғиллари Сайназар ака бўладилар...

Шундан сўнг бувим кўзига ёш олиб, мени бағрларига қаттиқ босдилар. Ке-

йин сўрига кўрпачалар солиб, чой олиб келишди.

Синглим табиатан менга ўхшаркан, тезда чиқишиб кетдик.

— Ака, сиз қаердан келдингиз? — деб гап бошлади синглим.

— Мен, Тошкентдан йигирма саккиз чақирим нарида жойлашган Чирчиқ шаҳридан келдим. У ерда оилам, болаларим бор. Худо хоҳласа, уларни бир кун олиб келиб, сизлар билан таништираман.

— Ойингизни топдингизми?

— Йўқ, ҳозирча топганим йўқ, лекин албатта топаман.

— Улар Тошкентда туришади, мен уларни танийман. Сизга манзилларини бераман.

— Ростданми?! Ахир.. ахир мен уларни олти ёшимдан бери қидираман.

Синглим қоғоз-қалам олиб бир нималарни ёзаркан:

— Сиз олдин Қўйлиққа борасиз, — деди, — у ерда қариндошларимиз бор. Улар сизга ойингизнинг манзилини беришади.

Хурсандчилигим ичимга сиғмасди. Эртасига синглим ва бувим билан хайрлашиб, Тошкентга йўл олдим. Қўйлиқ-

даги қариндошлардан ойим Ўрдага яқин «Қашқар» маҳалласида яшашларини билиб олдим. Айтилган манзил бўйича бир эшикни тақиллатдим. Бир ёшгина аёл эшикни очиб, саломлашди:

— Келинг, хизмат,—деди мулойимлик билан.

— Мен дўхтирман, ҳовлима-ҳовли текшириб юрибман.

— Вой, келинг, мана, болаларим бари соғ-саломат, фақат онамлар касал. Улар ҳозир касалхонада.

— Эрингиз қаерда?

— Улар ишда, ҳайдовчи бўлиб ишлайдилар. Ҳозир тушликка келиб қолишлари керак.

— Фарзандингиз нечта?

— Олтита.

— Жуда яхши...

Шу пайт куёв эшикдан кириб келди. Мени кўриб ҳайрон бўлди, сўрашиб ичкарига таклиф қилди.

— Келинг, меҳмон, қани, ичкарига марҳамат.

— Шундан сўнг, мен дўхтир бўлсамда, хизмат юзасидан эмас, шахсий иш юзасидан келганлигимни айтдим ва ойлари қаерлик эканлигини сўрадим.

— Ойим Намангандан, бир пайтлар

бу ерга келиб қолганлар. Турмуш қурганлар, мен ёлғиз қизлариман.

— Синглим, биласизми мен... гап шундаки... мен сизнинг акангиз бўламан. Ойингизнинг биринчи турмушларидан. Ойингиз менинг дадам билан турмуш қуришган. Бир куни улар Тошкентга келиб, адашиб қолишган. Бир-бирларини топа олишмаган. Отам анча пайтгача онамни унутолмаган, охири менга она зарурлигини сезиб, уйланган. Мен эса олти ёшимда онамни қидириб қишлоқдан кетиб қолганман. Кейин уруш бошлади. Мана, энди топдим. Синглим, сизлардан илтимос, мени ойимнинг олдига олиб боринглар.

Улар гапларимни диққат билан эшитишиб, аввал ҳайрон бўлишса-да, сўнг хурсанд бўлиб кетишди. Кейин машинага ўтириб, бир зумда касалхонага етиб бордик.

Ойим каравотда, ёнидагилар билан гаплашиб ўтирган экан, ҳаммамиз кириб саломлашдик. Кўришиш асносида синглим гап бошлади:

— Ойи, сиз фақат ҳаяжонланманг. Биласизми, бу киши сизнинг ўғлингиз Сайназар, сизни қидириб келибдилар.

— Вой... вой, болам. Сайназар ўғлим,

сеимсан! Онагинангни қидириб келдингми? Мен шунча йиллар сизлардан хабар кутдим. Сени ўйлай-ўйлай адо бўлдим, болам! Кел, кел, бағримга бир босай, — дея ойим мени бағрларига босиб анча пайтгача йиғлаб турдилар.

— Қалай, ойн, яхшимисиз, соғлигингиз қандай? Тузалиб кетдингизми? — дедим мавриди билан.

— Соғлиғим яхшию, лекин бўйнимга яра чиққан. Шу бироз безовта қияпти.

— Ойи мен шифокорман. Менга бир кўрсатинг-чи, — дея қарасам, чипқон экан. — Ойижон, сизни уйимга олиб кетиб, ўзим даволайман. Хўпми?

Ойим рози бўлдилар...

Эртасига ойим синглим Муҳаббат билан меникига келишди. Мен муолажани бошладим. Бир неча кундан сўнг, яра тузалиб кетди. Ойим меҳр-муҳаббат тўлиб-тошган кўзлари билан менга боқиб:

— Ўғлим, мени шунча йиллардан сўнг қидириб топганингдан, мени ҳурмат қилиб, эъзозлаганингдан жуда ҳам бахтиёрман. Йиллар давомида мен ўғлим қарда, аҳволи қандай, соғ-саломатмикан, деб ўйлаб юрардим. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, бизларни учраштирди.

— Тўғри айтасиз, ойижон, мен сизни

доимо шундай меҳрибон, ширинсўз, деб тасаввур қилганман. Биласизми, сиз шунча йиллар қизингиз билан турдингиз. Энди меникида яшанг, илтимос. Ахир ота-она ўғил билан туриши керак.

— Шундай бўлади, ўғлим,—дедилар ойим жилмайиб...

* * *

1955 йилнинг кузида бизникига шоҳандлик укам меҳмонга келди. Мен уни танимадим, чунки уларникига борганимда у ишда эди.

— Мен Кўпайсиннинг укаси Тоживой бўламан,—деди у ўзини таништираркан. — Сиз манзилингизни ташлаб кетган экансиз. Мана қидириб келдим.

— Ие, Тоживой укам, келинг, ичкарига марҳамат, уйимнинг эшиги сизлар учун доимо очиқ. Яна бир укам бор эди, уни нега олиб келмадингиз? Синлим қалай, яхшими, ойингиз соғ-саломатмилар?

— Раҳмат, ҳаммалари соғ-саломат, сизга салом йўллашди. Худо хоҳласа, бир келишади сизникига меҳмонга.

— Бемалол, уйимнинг тўри сизларники. Мен эса ойимни қидириб топдим.

Онам билан борди-келди қилиб туриб-миз. Билсангиз, жуда ҳам бахтиёрман...

Биз уйга кириб, анча пайтгача дастурхон устида суҳбатлашиб ўтирдик. Эртасига Тоживой уйига қайтиб кетди. Шу-шу биз барчамиз, опа-укалар аҳил, тотув яшаб, бир-биримизнинг ҳолимиздан хабар олиб турадиган бўлдик.

Ойим мен билан турсалар деб орзу қилардим. Шунинг учун дала ҳовли сотиб олиб, уй қура бошладим. Дала ҳовлини 1961 йили қуриб битказдим. Ойимга «бизникида яшанг» десам, «сал оёққа туриб ол, бир куни бораман, бирга яшаймиз», дердилар.

Қийинчиликлар секин-аста ортида қола бошлади. Мен ойимнинг аҳволларидан хабар олиб турдим. Улар ҳам бизникига тез-тез меҳмонга келиб турардилар.

1970 йил

Июл ойининг жазирамаси. Кечқурун соат тўққизлар атрофида дарвоза тақиллаб қолди. Чиқиб қарасам, укам Тоживой турибди, юзлари ғамгин, ҳайрон бўлдим.

— Ака, ойингиз оламдан ўтибдилар. Бандалик экан. Аллоҳ сизга сабр берсин,—деб мени бағрига босди.

Мен қулоқларимга ишонгим келмас-

ди. Устимга бир челақ совуқ сув қўйиб юборилгандай бўлди. Нега, нима учун, шунча йиллик айрилиқлардан сўнг, энди онаизоримни топиб, ўзимни бахтиёрман деб ҳис қилганимда, яна айрилиқ?!.

Укам билан ойимнинг уйларига етиб бордик. Тумонат одам. Ичкарига кириб, онамларнинг ёнига ўтирдим. Жанозада сўнг мазорга йўл олдик. Тобутлариши кўтариб кетяпману, назаримда тирикдеклар...

Онажонимни ерга қўйиб, қабристондан чиқиб кетарканмиз, онажоним кўз олдимда гавдаланардилар. Уларнинг табассумлари, ширинсўз, меҳрибонликлари, мени биринчи бор кўрганларидаги хурсандчиликлари кўз олдимдан кетмасди. «Кечиринг, онажон, мен шифокор бўла туриб сизни олиб қололадим. Улим муқаррар, ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмонмиз. Инсон тириклигида ҳеч нарсага эътибор бермай, яшаётган куни, ҳар бир лаҳзасидан ўзи учун, атрофдагилар учун фойдаланиб қолишни билмайди. Аммо йиллар ўтиб, боши берк кўчага кириб қолганда ёки қийин бир вазиятга тушиб қолгандагина унинг кўзи очилиб, шундагина бу ҳаётда кўп нарсаларни қилмаганлиги, вақт эса жуда оз қолганлигини ҳис қиларкан...»

1969 йили кичик ўғлим 18 ёшга тўлди. Унинг синфни битиргач, ўзим орзу қилгандек, уни ҳарбий билим юртига бермоқчи бўлдим. Қунларнинг бирида, бир ҳарбийда хизмат қилаётган дўстимни учратиб қолдим ва унга кўнглимдаги ниятимни айтдим:

— Жуда ҳам яхши,—деди у гапимни маъқуллаб.—Эртага эрталаб ҳужжатлар билан келинглар, агар имтиҳонлардан яхши ўтса, марра сизники...

Шундай қилиб, ўғлим имтиҳонларни яхшига топшириб, танкчилар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртига кирди. Қизим педагогика олий ўқув юртига, катта ўғлим эса ИИВ қошидаги мактабга ўқишга кирди. Болаларим бағримда улғайишиб, билим олишаётганлигидан қувонардим. Ўғлимни уйлантирдим, қизимни турмушга бердим. Яқинда бува бўламан. Ҳаёт шундай экан, биз қариймиз, улар бизнинг ўрнимизни эгаллашади.

1973 йили кичик ўғлим лейтенант унвонини олди. Июл ойида онаси билан иккимизни билим юртига олиб борди. Ўғлим билим юртини битираётганди. Тантанада аввал генерал, сўнг уруш қатнашчилари сўзга чиқдилар. Кейин ўйин-

кулгу бошланиб, катта шодиёнага айланди. Барча аълога битирганлар қатори ўғлим ҳам Германияга ўқишга кетди. 1975 йили таътилга келганда, уйлантириб қўйдим. 1977 йили эса Германиядан, ўғлим ва келинимдан хат келди, унда ўғилли бўлишганлиги, унинг исмини Темур деб қўйишганини ёзишибди. 1981 йили яна бир ўғил кўришди, исмини Шухрат деб қўйишди. Қизим ҳам ўғилли бўлди, унинг исми Рустамжон бўлди. Мен энди уч набирага бува бўлдим.

1998 йил

Ўртанча неварам йигирма икки ёшида Олий ҳарбий мактабни аъло баҳода битирди.

Битирувчилар ҳарбий кийимда, муסיқа садолари остида Ўзбекистоннинг байроғини ҳилпирашиб намойишдан ўтишди. Уларга тантанали равишда диплом топширишди. Сўнг катта концертга битирувчилар билан бирга биз ота-оналарни ҳам таклиф қилишди... Бу шодиёнадан бошим кўкка етди...

Яратганга беадад шукроналар, ҳамду санолар бўлсинким, мен ҳам урушнинг шафқатсиз зарбаларидан омон қолиб,

Ўз юртимга соғ-саломат қайтиб келдим. Буюк зот — онаизоримни топдим. Тўғри, айрилиқ оғир дард, аммо ҳаёт давом этади. Бахтимизга юртимиз тинч, халқимиз осуда, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Фарзандларимиз илм олиб, юқори маълумотли бўлишмоқда. Чет элларга бориб, тажриба алмашиб, Ўзбекистон келажаги учун ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бунини ўз фарзандларимдан қиёслайман. Катта ўғлим, Равшан — олий маълумотли ҳуқуқшунос. Қизим Наманганда, педагогика билим юртида ўқитувчи. Кичик ўғлим — Рустам олий маълумотли. Ҳозирда Олмаотада Ўзбекистоннинг консули бўлиб ишлайди. Невараларим ҳам олий маълумотли. Умуман олганда, фарзандларимизнинг бари ҳаётда ўз ўринларига эга. Ўзим ва оилам соғ-саломат, тинч-фаровон турмуш кечиряпмиз.

Биз, Мустақил диёримиз — Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тинчлик билан қаршиилаётган ҳар бир мусаффо тонгимиз учун шукроналар айтиб, бор куч ва матонатимизни Ватанимизнинг равнақи йўлида сарфлайвераёлик!

Адабий-публицистик жанр

Сайназар Ниёзов

ҲАЁТ СУҚМОҚЛАРИДА

(Ҳотиралар)

Ўзбек тилида

Муҳаррир Илҳом Зойир

Мусаввир Темур Саъдулла

Тех. муҳаррир Валентин Веремеюк

Мусахҳиҳ Зпёда Латифхон қизи

ИБ №287

Теринга берилди 30.11. 2000 й. Босишга рухсат этилди 18. 01. 2001 й. Бичими 60×84^{1/32}. Шартли босма тобоғи 2,1. Нашр босма тобоғи 2,5. Адади 500 нусхада. Баҳоси шартнома асосида Буюртма № 247.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашр рақами № 46.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент — 194, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

220c

